

“Навоийазот” АЖ негизда азот кислотаси ишлаб чиқариш” лойиҳа

<https://www.uzkimyosanoat.uz/uz/activities/external-debt/azot>

Лойиҳани асоси: Лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 15 апрелдаги “Навоийазот” АЖ негизда азот кислотасини ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПҚ-2521-сонли қарорига мувофиқ амалга оширилди.

Лойиҳанинг мақсади: Мавжуд эски (1965 йил) азот кислотаси **1-2 навбатларини** эксплуатациядан чиқариб ўрнига **500 минг тонна** (шундан 480 минг тоннаси 600 минг тонна аммиакли селитра ишлаб чиқаришга ва 20 минг тоннаси – ДУК “Навоий ТМК”га юборилади) янги азот кислотаси ишлаб чиқаришини барпо этиш.

Лойиҳани қуввати: **500 минг тонна** азот кислотаси.

Лойиҳани амалга оширишдан эришилган натижалар: Лойиҳани амалга ошириш натижасида **27,6 млн. долл.** миқдоридаги маҳсулот ишлаб чиқарилади. Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини **32 фоизга** ёки 121,0 АҚШ долларида (1 ва 2-навбат эски ишлаб чиқаришда) 91,81 долларгача пасайтирилди.

Яратиладиган янги иш ўрни – 122 та.

Лойиҳа қиймати: **216, 6 млн. долл.**

Молиялаштириш манбалари: “Навоиязот” АЖ маблағлари – **28,3 млн. долл.**, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси кредити – **72,65 млн. долл.**, хорижий банклар “Commerz Bank” (Германия), “Kredit Suisse” (Швейцария) консортсиуми, “УзСҚБ” банки томонидан Ҳукумат кафолати билан қайта молиялаштириладиган кредитлар – **115,62 млн. долларни** ташкил этади.

Қурилиш-монтаж ишларига харажатлар – 41,1 млн. долл.;

– ускуналар сотиб олишга – 131,4 млн. долл.;

– бошқа харажатлар (лойиҳалаш, молиявий харажатлар ва дастлабки айланма капитал ва бошқалар) – 44,1 млн. долл.

Бугунги кундаги хорижий валютадаги қарздорлик миқдори: **91,7 млн. долл.**

Лойиҳа ишга туширилган сана: **2020 йил декабрь.**

Жойлаштириш жойи: Навоий вилояти, Навоий шаҳри, «Навоийазот» АЖ.

Бош пудратчи: Швейцариянинг “CASALE SA” компанияси.